



# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 1 июнь, шанба

№43 (11.431)

Эркин нарҳда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## Б. М. Рўзиёвни Навоий вилоятининг ҳоқими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- /12- банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Бахриддин Муртазаевич Рўзиёв Навоий вилоятининг ҳоқими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2002 йил 31 май.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## Ф. Д. Диловни Навоий вилоятининг ҳоқими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Файбулло Дилович Дилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Навоий вилоятининг ҳоқими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2002 йил 31 май.

### Вилоят ҳокимлигида

## КАДРЛАР КУНИ

Тошкент вилояти ҳокимлигида кадрлар заҳирасини шакллантириш, иқтидорли ёш ходимларни танлаб олиш, тарбиялаш ва раҳбарлик ишларига кўтариш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада мукамал тизимни яратиш ва такомиллаштириш устида ишланмоқда.

Вилоятда ўтаётган «Кадрлар куни» ана шу тадбирларнинг изчил давомидир. Кеча вилоят ҳокимлигида «Кадрлар куни»га бағишланган навбатдаги йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги бошқармалари ва бўлимлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, маҳаллий ҳокимликлар бўлимларининг раҳбарлари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Хамидулла Асатов бошқарди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари, ҳокимлик ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбари Юнусхон Шариповнинг Чиноз тумани, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва санитария-эпидемиология назорати марказида кадрлар заҳираси билан ишлаш, салоҳиятли, ташаббускор ва ташкилотчи ёшларни раҳбарлик ишларига тайёрлашнинг аҳволи ва уни яхшилаш вазифалари тўғрисидаги маърузаси тингланиб, муҳокама қилинди. Маърузачи ва нотиклар кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг қобилиятли заҳирасини шакллантириб, изчил ўқитиш тизимини яратишга оид таклиф ва мулоҳазаларни илгари суришди. Асосий эътибор бу муҳим ишдаги камчиликларни бартараф этишга қаратилди.

Унда давлат ва хусусий сектор вакиллари иштирокида мамлакатимизда ахборот технологияларини ривожлантиришнинг

Ўз мухбиримиз.



Ҳақиқатан ҳам бу йил барча туман ва хўжаликларда пилла мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни муваффақиятли яқунлаш масаласига ҳар томонлама жиддий эътибор қаратилди. Уруғни танлашдан бошлаб ҳосил йиғим-теримигача бўлган барча юмушлар уюшқоқлик билан олиб борилди.

— Эришилган муваффақиятларнинг яна бир муҳим омили уруғлик танлашга жиддий эътибор қаратилганлиги бўлди, — дейди вилоят «Пилла» ҳиссадорлик бирлашмаси раҳбари Рустам Акбаров. — Бу йил асосан Тошкент, Асака ва Урганч заводларидан уруғлик келтирилди. Унинг жонланиши 98 фоизни ташкил этди. Иккинчидан, сифатли тайёрланганлиги боис бирорта туман ёки хўжаликда ипак куртининг касалликка чалиниш ҳолати кузатилмади.

«Пилла» бирлашмаси, туман ҳамда хўжаликларнинг раҳбарлари мавсум бошиданок кўрт боқувчиларни моддий рағбатлантириш чораларини кўрдилар. Масалан, бирлашма пиллакорларга етиштирилажак ҳосилнинг 35 фоизи миқдоридagi меҳнат ҳақини олдиндан бунак сифатида тўлашни таъминлади. Ўнлаб хўжаликларда эса, бунак пулининг 70-80 фоизини аввалдан тўлаб қўйиш имкониятлари излаб топилди. Энг юқори ва сифатли ҳосил топширганларга телевизор, гилам каби қимматбаҳо совғалар тайин қилинди.

Хуллас, мавсумни муваффақиятли яқунлаш юзасидан кўрилган барча чора-тадбирлар ўз самарасини берди. Вилоят бўйича 22 минг 140 қути ипак куртининг ҳар қутисидан кечаги кунгача ўртача 50,3 килограммдан юқори сифатли хом ашё териб олинди. Бу ўтган йилги натижадан тўққиз килограмм кўпдир.

Бир қатор туманлар вилоятнинг умумий пил-

## ВИЛОЯТ ПИЛЛАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Вилоятимиз пиллакорлари давлатга 1050 тоннадан зиёд кумуш тола етказиб бериб, шартнома режасини ортиги билан бажардилар. Утган йилдагига нисбатан 220 тонна кўп ҳосил етиштирилди.

ла хирмонига баракали ҳисса қўшди. Жумладан, Бекобод тумани 153 тонна, Уртачирчиқ тумани 106,8 тонна, Янгийўл тумани 106,4 тонна, Юқоричирчиқ тумани 102 тонна, Пскент тумани 96 тонна пилла топшириб, шартнома режаларини анча ортиги билан адо этди.

Мавсумни уюшқоқлик билан бошлаган Бекобод, Янгийўл, Пскент туманлари пиллакорлари режани вилоятда биринчилардан бўлиб бажаришдан ташқари юқори ҳосилдорликка ҳам эришдилар. Шимолий минтақада жойлашганлиги учун пилла топшириш энди қизғин паллага кирган Бўстонлиқ туманида эса, ҳар қути кўрт уруғидан ўртача 67 килограммдан пилла олинмоқда.

Ўнлаб пиллакорлар бу йилги мавсумда энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Жумладан, Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» хўжалигидан Дилмурод Кураҳмедов ҳар қутисидан 110 килограмм, шу тумандаги «Ийкота» хўжалигидан Нурбек Қурбонов 105 килограмм, Мурод Сайдалиев 101 килограмм, Бекобод туманидаги Навоий номли хўжаликдан Зуҳра Тиллабоева 97 килограмм, Сожида Обломуродова 95 килограмм, Уртачирчиқ туманидаги «Янги тўлқин» хўжалигидан Тожи Алпиева ҳамда «Қайтмас» хўжалигидан Камола Мусаева 90 килограмм пилла олдилар.

Хўжаликларда пилла терими давом этмоқда. Ҳали 1482 қути уруғнинг ҳосили шундай турибди. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, вилоятимиз пиллакорлари давлатга яна камида 65-70 тонна сифатли кумуш тола топшириш имкониятига эгалар.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**  
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

## ЎЗБЕКISTОНГА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Республика Миллий матбуот марказида Ўзбекистонда ахборот технологияларини ривожлантиришнинг истиқболи ва муаммолари мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда давлат ва хусусий сектор вакиллари иштирокида мамлакатимизда ахборот технологияларини ривожлантиришнинг

асосий йўналишлари муҳокама қилинди.

Хусусан, ҳукумат, вазирликлар ва бошқа давлат муассасалари вакиллари хусусий сектор мутахассислари билан биргаликда ўзбек миллий бизнесини тараққий эттириш истиқболлари хусусида фикр алмашмоқда. Бу ўз ижобий самарасини бериши аниқ.

«Туркистон-пресс».

## Бугунги сонда:

### БАХТЛИ БОЛАЛИК

Бугун мамлакатимиз пойтахтидаги «Тошкентленд» боғи кун бўйи вилоят меҳрибонлик уйлариининг 600 тарбияланувчиси ихтиёрида бўлади.

2-бет

### ТАҲРИРИЯТ ПОЧТАСИДАН

Кексалар дуосини олганга, кўнгил хотиржам торганга нима етсин. Унутмайлик, ота-онамизга аввало ўзимиз, фарзандлик меҳримиз керак.

3-бет

### ДУНЁ НИГОҲИ ОСИЁДА

Нима бўлганда ҳам XXI асрнинг илк жаҳон чемпионати бошланди. Бўёғига, ФИФА президентининг ибораси билан айтганда, ажойиб футбол спектаклига марҳамат!

6-бет

### ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

Афғонистондаги халқаро кучларга кўмондонлик қилиш Буюк Британиядан Туркияга июнь ойида ўтиши мўлжалланган.

7-бет

### ФЕЛЬЕТОН

Кейинги пайтда ўзини соликка оид жинойтларга қарши курашиш бошқармасидан деб, тадбиркорлик билан шуғулланаётган кишиларни текширувчи идоранинг сохта «ходим»лари пайдо бўлиб қолди.

8-бет

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

# БАХТЛИ БОЛАЛИК


**Болалар қийқириб ўйнашаётган, қумга расм чизаётган майдонлардан ҳеч ким бепарқ ўтмайди. Очiq деразадан эшитилаётган болалар кўшиги кишиларни бир фурсат тўхтаб тинглашга ундайди. Болажонлик, гўдаклар ҳаётига манфаатли муносабат ҳар бир киши кўнглида, ҳатти-ҳаракатида мужассам.**

Мустақиллик йиллари болаларимиз соғлом бўлиб ўсишлари, ҳар жиҳатдан мутаносиб ривожланишлари учун ғамхўрлик давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан янги-янги ўқув-тарбия муассасалари, саломатлик марказлари барпо этилмоқда.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болалар соғлиги тўғрисида ғамхўрлик бугунги долзарб вазифага айланди. Давлатларнинг бу соҳадаги мажбуриятлари «Бола ҳуқуқлари конвенцияси»да қайд қилиб қўйилган. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистон 1989 йил нояб-рида БМТ Бош Ассамблеяси қабул қилган бу халқаро ҳужжатга қўшилди. Президент Ислон Каримов ташаббуси билан «Соғлом авлод», «Она ва бола» давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, изчил амалга ошириляпти.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни ҳар йили соғлом

ва баркамол авлод тарбияси йўлидаги саъй-ҳаракатлар кўригига, умумхалқ байрамига айланади. Вилоятимизда шу куни катта-катта тадбирлар режалаштирилган ва ўта япти. Чирчиқда «Болалар билан ҳаёт кўркми» тадбири кичкинтойларнинг чинакам байрамига айланди. Олмаликдаги металлургиянинг маданият саройида шу минтақадаги боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларнинг болалари учун байрам уюштирилди. Қизиқарли томошаларда 300 нафар бола мириқиб ўйнаб-кулди. Мамлакатимиз пойтахтидаги «Тошкентленд» боғи кун бўйи вилоят меҳрибонлик уйларида 600 тарбияланувчиси ихтиёрида бўлади. Келажакимиз эгалари мароқли томошалар кўриб, боғ ўйингоҳларида кунни мазмунли, хушчақчақ ўтказишди. Барча шаҳар ва туманларда боғчалар, мактаб ва лицейлар, болалар уйларида болалар кўшиқлари янграб, қувноқ ўйинлар, мароқли учрашувлар, мазмунли суҳбатлар ўтади.



Қибрай туманидаги «Дўстлик» болалар боғчасида 190 нафар кичкинтой тарбияланади. Бу ерда болажонларга инглиз тили чуқур ўргатилади. Шунингдек, компьютерлар хонасида турли машғулотлар ҳам ўтказилади.

**СУРАТЛАРДА:** компьютер хонасида ўтказиладиган машғулотлар доимо қизиқарли бўлади. Ундаги суратда эса болалар қувнашмоқда.

**Еркабой БОТИРОВ олган суратлар.**

ка яқин ўқувчилар йиғилишиди. Асфальтга расм чизиш бўйича танлов ўтказдик. Ўғил-қизларимизнинг тасаввурлари, дунёқарашлари, ижодий интилишлари қанчалик кенг эканлигини бир кўрсангиз эди!

Биз танлов иштирокчиларининг ижодий имкониятларини кенг намоён этиш мақсадида танловни «Оила менинг тасаввуримда» деб номладик. Асфальтга чизилган расмларда ёш ижодкорларнинг дунёқарашлари, тасаввурлари акс этди десам янглишмайман. Ҳамма болалар ҳаяжон, алоҳида меҳр билан ижод қилишди.

Танловда Чирчиқдаги 15-мактаб ўқувчиси Элдор Омонов голиб чиқди. У шу кунги ўз ижодий мақсадини «Ҳамма оила тинч, соғлом, баркамол бўлсин» шиори билан ифодалади.

— Жонажон Ўзбекистонимиз яхлит бир оила, — деди конкурснинг бошқа бир голиби, 2-мактаб ўқувчиси Ҳаёт Абдуқодиров. — Шу боис мен озод Ватанимиз манзарасини чиздим.

— Ойларим, бувиларим саломат бўлишсин, — деди танловнинг энг ёш голиби — 8-боғча тарбияланувчиси Муслим Мирзажалилов.

Шундай тийрак ва истеъдодли болаларимиз мустақил Ўзбекистонимиз келажакдир. Жамғармаимиз уларнинг бахтли болалигини ардоқлаш, маънавий ва жисмоний баркамол ўғил-қизларни вояга етказиш йўлидаги изланишлар, саъй-ҳаракатларда муттасил фаол қатнашмоқда.

**Истеъдодларни излаймиз**

## ТАСАВВУР ВА ТАСВИР

**Хушноза АРСЛОНОВА,**  
«Болалар» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси:

— Болалар дунёси бир олам. Истиклол унинг янгида янги қирраларини намоён этиш имконларини кенгайттирди. Мен шу ўринда болаларимиз истеъдодини намоён этишга қаратилган биргина тадбиримизни айтиб берай.

Яқинда Чирчиқ шаҳар Кимёгарлар маданият саройи олдидаги кенг майдонга эллик-



## ҚАЛДИРҒОЧЛАР ПАРВОЗИ

Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи дастлабки битирувчиларни учирма қилди. Яқин кунларда улар диплом олиб, иш жойларига жўнаб кетишади.

Улар мамлакатимизнинг турли шаҳарларидаги меҳмонхоналарда, сайёҳлик корхоналарида иш бошлайдилар.

Коллежда 700 талаба билим олади. Улар туризм, меҳмонхона-ресторан хўжалиги бўйича мутахассис бўлиб етишадилар, гид, сайёҳлик ташкилотчиси, кичик менежер, ошпаз-қандолатчи, ҳисобчи, юрист-қитиқчи иختисосларини эгаллайдилар.

**Фарҳод ШАРИПОВ.**

## "ЭЛЕКТРИКМЎСАНОАТ" ХУСУСИЙЛАШТИРИЛЯПТИ

Вазирлар Маҳкамасининг базавий тармоқларни хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ "Электрикмўсааноат" очик турдаги акциядорлик жамиятининг 49 фоиз акцияси хорижий инвесторларга сотиш учун қимматли қоғозлар бозорига чиқарилди.

Жамият бош директори Ҳотам Саидхмедов ЎЗА мухбирига маълум қилишича, корхонада ишлаб чиқарилаётган 35 номдаги юқори сифатли кимёвий ўғит ва бошқа маҳсулотлар нафақат

мамлакатимиз ички бозорига, балки хорижда ҳам харидорини топмоқда.

Унинг Чирчиқ шаҳрида жойлашган учта ишлаб чиқариш участкаси юқори даражада автоматлаштирилган ва замонавий технологиялар билан тўла таъминланган.

Ҳозир халқаро молиявий маслаҳатчилардан бири — "Максвелл Станп" компанияси корхонани хусусийлаштириш бўйича иш олиб бормоқда.

**Меҳри БОЛЛИЕВА, ЎЗА мухбири.**

## ДЎСТЛИК МИССИЯСИ ТОШКЕНТДА

Япония жамоатчилигининг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган дўстлик миссияси аъзолари Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди.

Кўкалдош, Абулқосим ҳамда Бароқхон мадрасаларида бўлган меҳмонларга мазкур ёдгорликларнинг тарихи, халқимиз маданий ҳаётида тутган ўрни ҳақида маълумот берилди. Шу куни Япония делегацияси

**Хушхабар**

## ҒОЛИБЛИК МУБОРАК!

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни нишонланиши арафасида хушхабар олдик. Шу йил 22-27 май кунлари Андижон шаҳрида «Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ёш ижрочиларининг Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги республика кўрик-танлови»нинг якунловчи босқичи бўлиб ўтди.

Ушбу кўрик-танловда Тошкент вилояти мусиқа ва санъат мактабларидан 14 турдаги чолғу ижрочилари ва бир хонанда иштирок этди. Вилоятимиз ёш истеъдодлари ўз маҳоратларини намойиш этиб, фахрли ўринларни эгалладилар. Жумладан, чирчиқлик Павел Фролов баян, ўртачирчиқлик Рустам Холмирзаев рубоб, чинозлик Воҳид Наимов доира чалишда голиб бўлишди. Чирчиқлик ва қибрайлик чангчилар Лайло Абдаметова, Наима Эргашева, ўртачирчиқлик аккардеончи Ким Кен Рим, янгийўллик қонун созандаси Зафар Йўлдошев, Олмаликлик гитарачи Олег Нуридинов иккинчи ўринга лойиқ топилдилар. Шунингдек, Қибрай туманидан дуторчи Зулфия Сайдуллаева, Чирчиқдан афғон рубоби созандаси Азамат Рейимов, Ангрэндан ғижжакчи Мискин Дадаев, Оҳангарондан хушовоз созанда Зебо Ҳожибоева, Чирчиқдан аккардеончи Айдер Мамутов учинчи ўринни олишди. Чирчиқлик гитарачи Олга Овсевичская ва бўқалик доирачи Бахтиёр Раҳмонкулов эса фахрий ёрлик билан тақдирланишди.

**Ўз мухбиримиз.**

**Жажжи инсон қалби гулдан нозик дейдилар. Мустақил юртимизда тугилиб вояга етаётган ҳар бир гўдак ўксимай, қувнаб ўсиши даркор. Шу мақсадда давлатимиз томонидан ёш авлодга беқиёс ғамхўрликлар кўрсатилаётгани гоят эътиборлидир.**


Оҳангарон туманида яна бир ибратли тадбир бўлиб ўтди. Туман чакана савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари Асадулло Исмоилов саховати билан «Отабек» чойхонасида ота-онасиз тарбияланаётган 40 нафар ўғил-қизга дастурхон ёзилди. Болажонларга ҳар хил ширинликлар, мазали таомлар, лаззатли шарбатлар тортилди.

Шаҳар ҳокимлиги ва хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Оҳангаронда болалар ҳафталиги ўтказилмоқда. Байрам арафасида 120 нафар васийликдаги, кам таъминланган оилалар фарзандлари тўкин дастурхонга тақдир этилди. Бунга «Соғлом авлод учун» жамғармаси шаҳар бўлими ҳамда «Оҳангароншифер» корхонаси ҳомийлики ўз зиммасига олди. «Хонобод» маданият ва истироҳат боғидаги аттракционларда эса, кеча ва бугун болажонларга бепул хизмат кўрсатиб, мактабга тарбия муассасалари тарбияланувчиларига совға-саломлар улашиляпти.


**Ўз мухбиримиз.**

ФАРЗАНДАР ЧЕХРАСИДАН ШОДЛИК АРИМАСИН

(ЎЗА).



## ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ПОЧТАСИДАН



### Ташаккурнома

## ДИЛ СЎЗЛАРИМНИ ЕТКАЗСАНГИЗ

Одам баъзан билиб-билмай янглишар экан. Менинг ҳам ҳаётимда шундай бўлди. Айбим учун тегишли жазони олдим. Жазо муддатини утаб, 2000 йил ноябрь ойида Янгийулга қайтдим. Лекин, тайинли турар-жойим йўқ эди. Вилоят ҳокимиға мурожаат этдим. Шаҳар ҳокимлиги деҳқон бозори яқинидаги уйдан икки хонани ажратиш ҳақида қарор чиқарди. Ношукурчилик эмас, бироқ унда ҳеч қандай шароит йўқ эди. Ўзим иккинчи гуруҳ ногирониман, устига устак ҳеч кимим йўқ. Меҳрибонлик уйда вояга етганман. Шуларни мутасаддиларга тушунтирдим.


Уларга мингдан минг раҳмат. Аҳволимни тушунишди. Аворқулов мавсесидаги 7-уйнинг 26-хонадонига кўчиб утдим. Уйни бекаму кўст жиҳозлашимда қурилиш ашёларидан ёрдамлашди. Соғлигимни тиклашим учун керакли дори-дармонлар олдим. Шунда меҳр-мурувватли юртда яшаётганимга тақрор ва тақрор шукроналар айтдим.

Фурсатдан фойдаланиб, менга бегараз ёрдам қўлини чўзган вилоят ва шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига, жумладан, ишларни ташкиллаштиришда бошқош бўлган Н.Умарова, Янгийул шаҳар ижтимоий таъминот бўлими ходимлари Л.Киселева, И.Ватцурга миннатдорчилигимни билдираман.

**Геннадий ФРОЛОВ,**  
иккинчи гуруҳ ногирони.

### Тафсилот

## «ИСТАГИМ, УЛАР БАҒРИМГА ҚАЙТСИН»



**Тахририятимизга ангреник кекса онахон мактуб йўллабди. Мушоҳада юритишдан аввал унинг мазмуни билан мухтасар таништирсак. Мақсад, аввало унинг фарзандлари, қолаверса, бошқа ёшлар бундан тегишли хулоса чиқаришса, одамлар ўртасида бемехрлик ва араз бўлмаса. Зеро, ота-оналар, умуман, ҳамма кексаларни қадрлаш, эъзозлаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.**

«Хатимнинг мазмуни шундан иборатки, мен 1938 йилда туғилганман. Қаҳрамон онаман. Турмуш ўртоғим Бузруков Муртазохон бутун умр Ангрэн ГРЭСида ишлаб, пенсияга чиқди. Ҳозир 14 минг сўм нафақа олади. Биз турмуш ўртоғим билан 8 қиз ҳамда 2 ўғилни дунёга келтириб, уларни бир парча этлигидан оқ юшиб, оқ тараб, ўстириб, тарбияладик. Саккиз қизимиздан еттитасини узатиб, уйлajoйли қилдик. Энг кичик қизимиз Лолахон биз билан бирга туради. Икки ўғлимизни ҳам ўзлари танлаган қизларига уйлантирдик. Невараларимиз кўп, Оллоҳга шукр.

Кўнглимиз ўксиган жойи, ўғил туғиб, ўстириб, қариганимизда роҳат-фароғатда яшаймиз, келинлар хизматимизни қилишар, деган ниятларимиз пучга чикди. Чунки, ўғилларимиз ва иккала келинимиз оиламизда турли баҳона ва можаролар уюштириб, уйланишдан чиқиб кетишди. Невараларимизни кўргимиз келади. Кексалик, кун ўтган сайин белимиздан куч-қувват, мадор, кўзларимиздан нур кетиб бормоқда. Олаётган нафақамиз эса, доридармондан ортмайди, жудаям қийналиб кетдик. Шу сабаб ҳамда ёру-дўстлар маслаҳати билан биз турмуш ўртоғим билан кичик ўғлимиз, яъни Бузруков Саидумардан моддий ёрдам олиш учун Ангрэн шаҳар халқ судига ёзма равишда мурожаат этдик.

Суд ўғлим, яъни Бузруков Саидумардан маошидан ҳар ойда 5000 минг сўмини ундириш

лини ҳизматимизни қилишар, деган ниятларимиз пучга чикди. Чунки, ўғилларимиз ва иккала келинимиз оиламизда турли баҳона ва можаролар уюштириб, уйланишдан чиқиб кетишди. Невараларимизни кўргимиз келади. Кексалик, кун ўтган сайин белимиздан куч-қувват, мадор, кўзларимиздан нур кетиб бормоқда. Олаётган нафақамиз эса, доридармондан ортмайди, жудаям қийналиб кетдик. Шу сабаб ҳамда ёру-дўстлар маслаҳати билан биз турмуш ўртоғим билан кичик ўғлимиз, яъни Бузруков Саидумардан моддий ёрдам олиш учун Ангрэн шаҳар халқ судига ёзма равишда мурожаат этдик.

Суд ўғлим, яъни Бузруков Саидумардан маошидан ҳар ойда 5000 минг сўмини ундириш

ҳақида қарор чиқарган. Аммо шу вақтгача бир сўм ҳам олганим йўқ. Қолаверса, суд қарорини ҳам жуда кечикиб, аниқроғи 2002 йил 3 январда ўзимиз бориб олдик. Мен бу шикоятни кўзларимда ёш билан ёзмокдман. Истагим, болам бағримга қайтсин.

Боламни судга беришдан мақсад фақатгина пул ундириб олиш эмас эди. У қилган хатосини тушунар, уялар, келар, кўришармиз, дийдорига тўярман, деган умидда эдим.

Бузрукова Фания,  
Ангрэн шаҳри».

Хат мазмуни шундай. Унда яна Саидумар Бузруковнинг қайноғаси ва бошқалар ҳақида ҳам танқидий фикрлар билдирилган. Майли, гина-кудуратлар унутилар, ҳаммаси яхши бўлиб кетар. Лекин, ҳозир айтмоқчи бўлганимиз ота-оналар ҳақида эшитганимиз, ўқганимиз ибратли ҳикоят ва ривоятларни яна бир бор эсламоқдир. Уларга бахшида сўзларни донишмандлар кўп ва хўп айтишган.

Қадим замонда бир йигит кекса волидасини опичлаб етти марта Ҳаж зиёратига олиб борган экан. Сўнгра оқил ва нуроний кишидан сўрабди:

— Энди мен онам олдидаги қарзимдан қутулдимми?

— Сен онанг бир кеча уйқусини неча бор бўлиб берган сўтини оқладинг, — деган экан ҳазрати инсон.

Демак, фарзанд борки, бу дунёда ота-онаси олдидаги қарздан асло узила олмас экан. Беайб Яратган дейдилар. Эҳтимол, қаттадан ёки кичикдан хато ўтгандир. Лекин нима бўлганда ҳам, ўғил фарзандлик бурчини ўташи лозим. Ҳалиям бўлса Саидумар рафиқаси билан ота-онаси ҳузурига қайтиб, кечирим сўраса, нур устига аъло нур бўлур эди. Кексалар дуосини олганга, кўнгил хотиржам тортганга нима етсин. Унутмайлик, ота-онамизга аввало ўзимиз, фарзандлик меҳримиз керак.

**Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.**

### Раҳбарлар диққатига

## ДАРДИМИЗНИ КИМГА АЙТАЙЛИК?

Бир пайтлар хўжалигимиз худудида ёзги клуб, ҳаммом бўларди. Маданият маскани ёгин-сочинсиз кунларда кечки пайт ёшлар билан тўлар, ҳар хил кўнгилочар ўйинлар уюштирилар, фильмлар намойиш қилинар эди. Ҳаммом ҳам белгиланган кун, белгиланган соатларда ишларди. Хуллас, маданий ва маиший хизматдан одамлар норозӣ эмас эди.

Кейинчалик ёзги клуб ва ҳаммом харобазор жойга айланди. Яқинда эса, ҳаммом биноси бутунлай бузиб ташланди. Таъмирланар, деган умидда юрган одамларнинг тарвузи қўлтғидан тушди. Ширкат хўжалиги ва шу соҳага мутасадди раҳбарлар эса, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, ҳамма иш жойидадек парвои фалак юришибди.

Ахир қишлоқ жойда ҳам аҳоли маданий дам оладиган, маънавиятини бойитадиган, ювиниб, озода бўладиган жойлар керак-ку! Нега буни жойлардаги раҳбарлар ўйлашмайди? Тегишли чора-тадбирлар белгиланмайди? Қачонгача гўё бу иш иккинчи даражали вази-фадек лоқайд юраверишади?

Истагимиз, қишлоқларимиз ҳам обод бўлсин, бошқа жойлардаги ҳам маданий ва маиший хизмат кўрсатадиган бинолар қад кўтарсин. Томоша кўрамиз ёки ювинамиз, деб қимматли вақтимизни совуриб, узоқларга қатнаб юрмайлик.

**Ҳасан ОТАҚУЛОВ,**  
Бекобод тумани, Навоий  
номли ширкат хўжалиги.

### Шундайлар бор бўлсин

## ТАҚДИР АТО ЭТГАН БАХТ

**Ҳаёт шундай бир дарёки, унинг шиддатли оқимиға бардош бера олган инсонгина бу дунёда бахтини топади, орзу-ниятига етади. Бунинг учун инсонда кучли ирода бўлмоғи даркор.**

Сайфулла ўн ёшга тўлганда, оғир дард уни икки оёғидан жудо қилди. Аввалига болалигига бориб, йиғлаб-сиқтаб, маъюсланиб қолди. Ота-онасининг беқиёс меҳри, дўстларининг оқибати уни яшашга, умрини мазмунли ўтказишга даъват этди. Уйда ўтирган ҳолда ўрта мактабни тугатди. Сўнг яхши одамларнинг кўмаги билан таниқли чеварга шоғирд тушди. Интилувчанлиги, тикувчиликка қизиқиши туфайли нозик хунарни мукамал ўрганди. Тез орада Сайфулла чевар десалар яқин атрофдаги кишилар танийдиган бўлди, буюртмачилар кўпайди.

Кунларнинг бирида байрам кўйлагини тиктириш ниятида бир гуруҳ қизлар унинг олди-келишди. Қизлардан бири унинг эйтиборини тортди. Юраги жиз этди. Либос битгач, Сайфулла эгасининг қўлига тутқазар экан, шундай деди:

— Кўйлагингизни бутун меҳримни бериб тикдим.

Дилдора кўйлагини қўлига оларкан, йигитта ширин табас-

сум ҳада этди. Бу табассум Сайфулланинг муҳаббатини алангалатиб юборди. Бир дўсти орқали унга хат йўллади. Кўп ўтмай севгилисидан жавоб хати олди. Хуллас, тақдир икки ёшни бир-бирига боғлади. Кўхлиқина қиз Абдурахим ака хонадонига келин бўлиб тушди.

— Мана шунга ҳам тўрт йилдан ошди, — дейди Кучлик кўргони маҳалла кўмитаси раиси Абдурахим Одинаев. — Дилдорахон ўзининг одоби, маданияти, рўзгор тутуши, умр йўлдошига бўлган садоқати билан маҳалладошларининг меҳрини қозонди. Ҳозир икки ёшнинг бири биридан ширин Нодира ва Сарвар исмли фарзандлари бор.

— Мен дунёдаги энг бахтли инсонлардан бириман, — дейди С.Деҳқонбоев. — Дилдорахон менга яшашдан мақсад нима эканини ўргатди. Унга қалбимда муҳаббатни кучайтирдим. Шундай оқила умр йўлдошимни тарбиялаган қайнотам ва қайнонамдан бир умр миннатдорман.

**Пардабой ЭРГАШЕВ.**



### Хат босилмади, чора кўрилди

## МАЪЛУМ БЎЛИШИЧА...

Янгийул тумани Назарали Ниёзов номли ширкат хўжалиги худудидаги «Кескан» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Т. Умрзоқовдан шу йил апрель ойи охирида шикоят хати олган эдик. Унда муаллиф Ваҳоб Зуфаров раис бўлиб келганидан буён меҳнаткашлар ҳақини бермагани, 14 гектар майдондаги боғни бузгани, тўрт йиллик раислик фаолияти давомида қишлоқда кўзга кўринарли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмаганини ёзган эди.

Туман ҳокими Й. Тожибоев имзоси билан олинган жавоб хатида шундай дейилади:

«Н.Ниёзов номли ширкат хўжалигидаги «Кескан» маҳалла кўмитаси раиси Т. Умрзоқов хати ўрганиб чиқилди. Ширкат хўжалигининг собиқ раиси Ваҳоб Зуфаров 1999 йили вази-фасидан бўшатилган. Бузилган

боғ ўрнида янги боғ барпо этилган. «Кескан» маҳалласи газ билан таъминланган. Хўжалик чой-хонаси биноси 24-мактаб ихтиёрига берилган. Ҳозирги кунда ундан синф хоналари сифатида фойдаланилмоқда. Хўжаликнинг янги раҳбари Исмоил Маъдалиев жамоа аъзоларининг муаммоларини ҳал этишда астойдил иш олиб бормоқда».

БИЗНИНГ ИЗОҲ. Суриштирувлардан маълум бўлишича, хат муаллифи ўз мактубида бундан бир неча йил аввалги тафсилотларни баён этган экан. Бироқ у, юрган ушбу шикоят мактубида ўша раиснинг «фаолияти» ҳақида ҳикоя қилгану, негадир «собиқ» сўзини ишлатмаган. Ваҳоланки, Ваҳоб Зуфаровдан кейин бу ерда икки марта раис алмашди. Кейин, кўчириб ташланган боғ тўғрисида гапириб, ўрнида янги боғ барпо этилганига тўхталмаган.

Бир йилдан бери битмаётган стадион тўғрисида туман ҳокими муовини Б. Рахимкулова айтишича стадионга туташ ерда келгусида замонавий мактаб биноси қурилиши режалаштирилган экан. Спорт майдони ва зиё маскани учун жами 3 гектардан зиёд жой ажратилибди. Лойиҳа атрофлича кўриб чиқилгач, спорт майдонига мўлжалланган ерни тартибга келтириш ишлари бошлаб юборилди.

Яна бир мулоҳаза. Т. Умрзоқов хати ниҳоясида В. Зуфаров раислик даврида хўжаликнинг сотиб юборилган мулк пулини ундириб берсангиз, деб сўрабди. Фикримизча, бу масала бўйича суд ва қонунчиликни ҳимоя қилувчи бошқа тегишли идораларга мурожаат этилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

**Хатлар, шикоятлар ва оммавий ишлар бўлими.**

DUSHANBA

3

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектедфильм» намойиши: «Най».

2.«Миттивойлар оиласи».
13.10 Эстрада тароналари.
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Қалб гавҳари».

хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.25 «Аския».
Спорт дастури:
22.05 1. «Универсиада - 2002» спорт ўйинларининг якунларига доир.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 Мультфильм.
10.20 Бола тилидан.

13.30 Давр-news.
13.50 «Гули». Телефильм.
14.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
15.50 Мусиқий лаҳзалар.
16.00 «Янги авлод» почтаси.

22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.
00.50 «Давр». Ахборот дастури.
1.05-1.10 Хайрли тун!

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 «Қайсарлар ва довораклар». Сериал.

30-канал

16.55 гача профилактика ишлари.
17.00 Дастурнинг очилиши.
17.05 Ҳужжатли кино: «Одам ва денгиз».

SESHANBA

4

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

14.10 Дзюдо кураши бўйича «Ўзбекистон оупен» халқаро турнири.
14.40 Кундузги сеанс: «Энг жозибали ва латофатли». Бадий фильм.

21.50 «Ўзбекистон» каналда илк мартаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
Спорт дастури:
22.20 1. «Универсиада - 2002» спорт ўйинларининг якунларига доир.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «Мульттомоша».

тақдим этади. «Хива-шарқ гавҳари».
14.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
15.50 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 2-қисм.
17.55, 19.15, 22.25 «Экспресс» телегазетаси.

«Халқаро» телеканал

16.20 «Қайсарлар ва довораклар». Сериал.
17.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.20 «Оилавий ришталар».

30-канал

10.50 «Шоҳид». Ҳужжатли сериал.
11.20 «Иблис боласи». Телесериал.
12.05 «Сохта ном чиқарганлар». Сериал.

CHORSHANBA

5

Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кун

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

13.05 «Универсиада-2002» спорт ўйинларининг якунларига доир.
13.25 «Ошин». Телесериал.
13.55 ТВ анонс.
14.10 «Остонаси тиллодан».

20.15 Киноконцерт.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон - Ватаним маним».

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».

11.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
12.20 Кўҳна оҳанглар.
13.30 Автопатрул.
13.45 «Олимп забт этган баҳодир». Телефильм.

дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 3-қисм.

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 «Клара Новикова бенифиси».

30-канал

10.25 «Тир на Ногнинг сирли рицарлари». Сериал.
10.50 «Якши кайфият».

PAVSHANBA

6

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

2.«Сехрли ҳарфлар оролчаси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Мулк».

спорт ўйинларининг якунларига доир.
14.10 «Озод юрт одамлари».
14.30 «Тавоис», ансамблининг концерти.
15.00 «Меҳр қолур».

18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.30 «Якши ният». Телелоторейя.
19.05 «Инсон ва қонун».

бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
22.45 «Таянч нуқтаси».
23.05 «Рухият манзаралари».

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Болалар байрами.

Телесериал.
10.40 Мусиқий лаҳзалар.
10.50 Ёшлар овози.
11.10 Дийдор.

чемпионати кундалиги.
18.20 ТВ-анонс.
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом наволари.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.  
00.50 «Давр». Ахборот дастури.  
1.05-1.10 Хайрли тун!  
**«Тошкент» телеканалли**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Оффисна баридан чиққан фирибгарлар». 4-қисм.  
17.55, 19.35, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.  
18.15 Болажонлар экрани.  
18.25 «Менинг замоним».  
18.30, 20.00, 22.00, 23.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».  
19.55 «Соғинч».  
20.30 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевоисита

мулоқот.  
22.40 «Камолот фасли».  
23.30 Кинонигоҳ «Зулмат қироллиги». 4-қисм.  
00.15-00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
РЖТ 6.30-8.00 дастури.  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Вести».  
16.25 «Крайсарлар ва довораклар». Сериал.  
17.15 «Бугун оламда».

Ахборот кўрсатуви.  
17.30 «Оилавий ришталар». Сериал.  
19.30 «Биз анойи эмасмиз». Хажвий кўрсатуви.  
20.00 «Время».  
20.35 «Рус рулеткаси».  
21.25 «Соккер клуб».  
21.50 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
22.00 «Париж антиквари». Детектив сериал. 3-қисм.

23.00 «Ахборот» (рус тилида)  
23.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.  
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».  
9.30, 14.25 Болалар соати.  
10.25 «Тир на Ногнинг сирли рицари» Сериал.  
10.50 «Яши кайфият».

11.20 «Иблис боласи». Сериал.  
12.05 «Бечора Саша». Комедия.  
13.40 «Майами Сэндс». Сериал.  
15.10 Кундузги киносеанс: «Учар голландец».  
16.50 «Симпсонлар». Мультсериал.  
17.15 «Кино, кино, кино».  
18.10 «Улимга йўл». 3-серия.  
19.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати — 2002.

чемпионати — 2002.  
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».  
21.15 «Ошиқона». Мусикий дастур.  
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Маньяк изи».  
23.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
23.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати — 2002.

JUMA

7

**«Ўзбекистон» телеканалли**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
**Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».**  
9.00 1. «Саргузаштлар асири». Видеофильм. 2-қисм. 2. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.  
10.05 «Бор эканда, йўқ экан». Бадий фильм.  
11.25 «Ўзликнинг намоён қил». Экранда - Андижон вилояти.  
11.50 ТВ клип.  
12.05 «Йўл бошида».  
12.30 «Муסיқа ва театр».  
13.05 ТВ анонс.  
13.10 «Олам». Телеальманах.  
13.40 «Универсиада-2002» спорт ўйинларининг

яқунларига доир.  
14.10 Кундузги сеанс: «Фаройиб ҳодиса». Бадий фильм.  
15.10 Муайтай бўйича халқаро турнир.  
15.30 «Озода бўлса шаҳринг».  
15.45 «Шайтон ва фаришта». Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.  
16.20 «Моҳият».  
16.35 «Фарзанд - умид юлдузи».  
**Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».**  
17.00 «Ўйла, изла, топ». Телемусобақа.  
17.40 «Нурли манзиллар».  
18.10 «Тафсилот».  
18.30 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».  
19.05 «Ҳидоят сари».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 Тиббиёт одимлари.

20.30 «Ахборот».  
21.05 «Долзарб мавзу».  
21.25 Бир жуфт кўшиқ.  
21.35 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин».  
Телесериал премьераси.  
**Спорт дастури:**  
22.05 1. «Универсиада-2002» спорт ўйинларининг яқунларига доир. 2. Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
22.40 «Олтин бешик».  
23.00 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.  
23.25 «Ахборот - дайжест».  
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканалли**  
8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 «Давр». Ахборот дастури.  
9.15 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой театри, Болалар учун концерт.  
9.45 «Мульттомоша».  
10.00 «Давр»-интервью.  
10.15 «Эсмералда». Телесериал.  
10.45 Бегойим.  
11.05 Мусикий лаҳзалар.  
11.10 Ёшлар овози.

11.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
13.20 Кўҳна оҳанглар.  
13.30 Ватан манзаралари.  
13.50 Ўзбекистон дурдоналари.  
14.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
15.50 Мусикий лаҳзалар.  
15.55 Ёшлар ва маънавият.  
16.10 Бир ўлкачи.  
16.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
18.20 ТВ-анонс.  
18.25 Ҳандалак.  
18.45 Оқшом навалари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Кўҳна оҳанглар.  
19.50 Азизим.  
20.25 «Ер ишқи». Мусикий дастур.  
20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар  
20.50 «Эсмералда». Телесериал.  
21.25 Ёшлар овози.  
21.45 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.

23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.  
00.50 «Давр». Ахборот дастури.  
1.05-1.10 Хайрли тун!  
**«Тошкент» телеканалли**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал: «Оффисна баридан чиққан фирибгарлар». 5-қисм.  
17.55, 19.15, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.  
18.15 Болажонлар экрани.  
18.30, 20.00, 21.15, 22.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 15-қисм.  
19.35 «Кўркам ўлкам».  
19.50 Мусикий танеффус.  
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».  
21.55 «Саломатлик маскани».  
22.35 Кинонигоҳ «Зулмат қироллиги». 5-қисм.  
23.20-23.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
РЖТ 6.30-8.00

16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Вести».  
16.25 «Крайсарлар ва довораклар». Сериал.  
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.  
17.25 «Юра даврининг сирлари». Хужжатли фильм.  
18.15 «Нигоҳ».  
18.30 Хужжатли детектив.  
19.00 «Мўъжизалар майдони».  
20.00 «Время».  
20.35 «Дилбарларим ва дилбандларим». Сериал.  
21.15 «Дурдаршан».  
21.40 Кинонинг олтин асри: «Ликанио». Бадий фильм.  
23.20 «Ахборот» (рус тилида)  
23.55 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.  
1.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».  
9.30, 14.25 — Болалар соати.  
10.25 «Тир на Ногнинг

сирли рицарлари». Сериал.  
10.50 «Суббатдош». Дам олиш дастури.  
11.20 «Иблис боласи». Телесериал.  
12.05 «Ильф ва Петров трамвайда кетардилар». Комедия.  
13.40 «Майами сендс». Телесериал.  
15.10 Кундузги кинозал: «Каллакасар».  
16.50 «Симпсонлар». Мультсериал.  
17.15 «Жангвор санъат олами». Спорт дастури.  
18.10 «Улимга йўл». 4-серия.  
19.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати — 2002.  
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».  
21.15 «Ошиқона». Мусикий дастур.  
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Қону устидан».  
23.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
23.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати — 2002.

SHANBA

8

**«Ўзбекистон» телеканалли**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
**Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».**  
9.00 «Ўйла, Изла, Топ». Телемусобақа.  
9.40 «Муסיқа бўстони».  
10.05 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Қушлар».  
10.20 «Ҳидоят сари».  
10.40 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал.  
11.05 «Олтин бешик».  
11.25, 13.35 ТВ анонс.  
11.30 «Дунё кўриб, дунёлар ярат».  
11.50 ТВ-1 кинотеатри: «Шаҳарликлар». Бадий фильм.  
13.10 «Кўҳна замин оҳанглари».  
13.40 «Универсиада-2002» спорт ўйинларининг яқунларига доир.

14.00 «Маърифат». Телеальманах.  
14.20 «Қонли тош». Бадий фильм.  
**«Адабий жараён».**  
15.35 1. «Ёзувчи ва замон».  
2. «Шеър ва шуур».  
3. «Дунё адабиёти».  
16.20 «Ягона оилада».  
16.50 Болалар учун «Фламинго».  
17.15 «Рангин дунё».  
**Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».**  
17.40 1. «Саргузаштлар асири». Видеофильм. 3-қисм. 2. «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу.  
18.55 «Пазандалик сирлари».  
19.05 «Қишлоқ ҳаёти».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».

21.05 «Соғлом она - соғлом бола».  
21.25 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
21.45 «Шанба оқшомида».  
22.20 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.  
«Трактор»-«Металлург».  
23.05 «Ахборот-дайжест».  
**«Тунги ёд».**  
**Дам олиш дастури.**  
23.25 «Кунлар ва тунлар». Бадий фильм.  
1.05-1.10 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканалли**  
7.55 Кўрсатувлар дастури.  
8.00 «Давр тонги».  
9.00 «Янги авлод» студияси: Олтин калит.  
9.15 «Мульттомоша».  
9.45 Табобат оламида.  
10.05 «Эсмералда». Телесериал.  
10.35 Ёшлар овози.  
10.55 «Рамаёна». Телесериал.  
11.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
13.20 «Янги авлод» студияси: Катта танеффус.  
13.40 Кутилмаган меҳмон.

14.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
15.50 Мусикий лаҳзалар.  
16.00 Саломат бўлинг.  
16.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
18.20 ТВ-анонс.  
18.25 Оқшом навалари.  
18.35 Бизнес-академия.  
18.50 Олтин мерос.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Каталог.  
19.50 Кўҳна оҳанглар.  
20.00 Юлдузлар чехраси.  
20.30 Ёшлик навалари.  
20.50, 21.40, 22.35 Эълонлар  
20.55 «Жюли Леско». Бадий фильм 7 қисм.  
21.45 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
22.40 Тунги тароналар.  
22.50 «Ёшлар» телеканалли спорт: Интерфутбол.  
00.40-00.45 Хайрли тун!  
**«Тошкент» телеканалли**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Мультчархпалак».

17.40 «Жаҳон географияси».  
18.40, 20.00, 21.30 «Экспресс» телегазетаси.  
19.00 «Ташриф».  
19.20 «Мисли гавҳар».  
19.35 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 16-қисм.  
20.20 «Нима учун?»  
20.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз».  
21.50 «Ҳамшаҳарлар» таклиф этади. «Менинг маҳаллам». Шоуси.  
22.50 Кинонигоҳ «Миллий балиқ овининг ҳусусиятлари».  
00.25-00.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «ТВ-4да муסיқа».  
9.10 Е. Петросянининг «Кулгу панорамаси».  
9.45 «Лаззат».  
10.05 «СН янгиликлари».  
10.15 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун кўрсатуви.  
10.40 «Экран зийнати ва

қиймати».  
11.00 «Мульттақдим».  
11.20 «Фан-тайм».  
11.30 «Олтин микрофон». Мусикий кўрсатуви.  
12.00 Дстлик видеоканали: «Немис шарҳи». «Ўзбекистон - умумий уйимиз», «Сахий хонадонда».  
13.00-13.30 «Немис тили».  
16.30 Кўрсатувлар тартиби.  
16.35 «Бинафша».  
17.00 «Британия кундалиги».  
17.15 «Бизнес-ревью».  
17.20 Ф. Киркоров, «Люба» гуруҳи, «Премьер-Министр» гуруҳи ва бошқалар «Йил кўшиқлари. Ёз» концерт дастурида.  
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.  
20.00 «Время».  
20.30 «Нима? Қаерда? Қачон?»  
21.50 Жон Траволта «Феномен» комедиясида.  
00.10 «Ахборот» (рус тилида)  
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».  
9.30 «Малика Сиси». Мультсериал.  
10.00 Болалар учун фильм.  
11.30 «Твистнинг қувноқ оиласи». Телесериал.  
12.00 Оилавий кино.  
13.40 «Баффи». Телесериал.  
14.30 Ҳинд киноси: «Муҳаббат жиноти».  
16.40 «Яширин камера билан». Юмор дастури.  
17.00 «Ўз ўйини». Телешоу.  
18.10 Футбол бўйича жаҳон чемпионати — 2002.  
19.50 «Ошиқона». Мусикий дастур.  
20.00 «Вовочка». Сериал.  
21.00 Детектив соати.  
21.45 «30-канал» кинооқшоми: «Полициячи сўзи».  
23.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
23.45 Футбол бўйича жаҳон чемпионати — 2002.

YAKSHANBA

9

**«Ўзбекистон» телеканалли**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.  
9.10 «Фаройибот».  
9.30 «Ўрмон эртақлари». Мультфильм.  
10.00 «Ватанга хизмат қиламан».  
**Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».**  
11.00 1. «Саргузаштлар асири». Видеофильм. 3-қисм. 2. «Мўъжизалар майдончаси». Телеўйин.  
12.15 «Пазандалик сирлари».  
12.25, 13.55 ТВ анонс.  
12.30 «Она меҳри».  
12.50 «Кувноқ стартлар». Телемусобақа.  
13.25 Эстрада тароналари.

14.00 «Муҳофаза».  
14.15 «Покахонтас». Мультсериал премьераси.  
15.05 «Қалб гавҳари».  
15.25 ТВ клип.  
15.30 «Бурч».  
15.50 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири.  
16.40 «Уй бекаси».  
17.00 «Оқ олтин». Телелотерея.  
17.40 «Талабалик йиллари».  
**Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».**  
18.00 1. «Саргузаштлар асири». 4-қисм. 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.  
18.55 «Ёшлар ва муסיқа».  
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар  
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)  
20.05 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатуви.  
20.30 «Таҳлилнома».  
21.15 «Келин-куёв».

Телешоу.  
**Спорт дастури:**  
22.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
22.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.  
«Пахтакор»-«Навбахор».  
2-тайм (Ёзиб олинган)  
**Якшанба кинозалли:**  
23.15 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Онеги». Бадий фильм.  
00.50-00.55 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканалли**  
7.55 Кўрсатувлар дастури.  
8.00 «Давр тонги».  
9.00 «Янги авлод» студияси: Катта танеффус.  
9.25 «Мульттомоша».  
9.40 Мусикий лаҳзалар.  
9.50 «Рамаёна». Телесериал.  
10.25 «Заковат» интеллектуал ўйини.  
11.25 Мусикий лаҳзалар.  
11.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
13.20 Кўҳна оҳанглар.

13.25 Очил дастурхон.  
13.40 Марди-майдон.  
14.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
15.50 Хоразм навалари.  
16.10 «Янги авлод» студияси: Уй вазифаси.  
16.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
18.20 ТВ-анонс.  
18.30 Қўшқулоқ.  
18.45 Оқшом навалари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр-news.  
19.20 ТВ-анонс.  
19.25 Очун.  
19.45 Ўзбекистон Республикаси Мустиқлигининг 11 йиллигига «Озод юрт фарзандлари». Видеофильм.  
20.05 Аёл қалби навалари.  
20.25, 21.15, 22.30 Эълонлар  
20.30 «Жюли Леско». Бадий фильм 8 қисм.  
21.20 «Зинама-зина».  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр» ҳафта ичида.  
22.35 Тунги тароналар.  
22.45 «Ёшлар» телеканаллида спорт: Интерфутбол.

00.35-00.40 Хайрли тун!  
**«Тошкент» телеканалли**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Эртақларнинг сехрли олами».  
19.00, 21.50, 22.40 «Экспресс» телегазетаси.  
19.20 «Жаҳон географияси».  
20.20 «Табриклаймиз-кутлаймиз».  
21.00 «Пойтахт шарҳи».  
21.25 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 17-қисм.  
22.10 «Телефакт».  
22.20 «Спорт-клуб».  
23.00 Кинонигоҳ «Калейдоскоп».  
00.10-00.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «ТВ-4да муסיқа».  
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».  
9.30 «Ҳамма уйдалигида».  
10.00 «Кайфият». Ахборот-дам олиш дастури.

11.30 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
11.40 «До-ми-соль шоу».  
13.10 «Парле ву франсе?»  
13.35-14.35 «Дўстлик» видеоканали: «Дидар», «Ай-нурек».  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Мультсванс».  
17.40 «Билишни истайман».  
18.00 «Лего-ленд». Болалар учун телеўйин.  
18.30 «Катта футбол». Токшоу.  
19.15 КВН-202.  
21.30 «Бизнес-ревью».  
21.35 «7 кун». Ҳафта яқунлари.  
22.00 «Тенгдошлар».  
22.30 «Кинопрофи».  
22.50 «Музиқ холл».  
23.15 «Таҳлилнома».  
23.50 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.  
1.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши.

9.05, 11.30, 17.45, 20.30 Телехамкор.  
9.30 «Малика Сиси». Мультсериал.  
10.00 Фильм - болаларга.  
12.00 Оилавий кино. «Қўлга тушмас қасоскорлар».  
13.40 «Баффи». Сериал.  
14.30 Кундузги кинозал: «Ҳимоячи».  
16.10 «30-каналда юзикарли учрашулар».  
17.00 «Ўз ўйини».  
18.10 Футбол бўйича жаҳон чемпионати — 2002.  
19.50 «Ошиқона». Мусикий дастур.  
20.00 «Агентлик». Сериал.  
21.00 Детектив соати.  
21.45 «30-каналда якшанба кинооқшоми: «Етти»».  
23.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
23.45 Футбол бўйича жаҳон чемпионати — 2002.



## ҲАМ ҚУВОНЧЛИ, ҲАМ ТАШВИШЛИ

**БУХОРОДА бўлиб ўтаётган «Универсиада-2002» спорт ўйинларидан ана шундай хабарлар келиб турибди.**

БУГУНГАЧА яқунланган спорт турлари бўйича вакилларимиз эгаллаган ўринлар, давом этаётган мусобақаларда эришилаётган натижалардан умумий ҳулоса чиқариб айтиш мумкинки, бу сафарги «Кичик Олимпиада» мусобақалари вилоятимиз терма жамоаси учун омадли бўлмапти. Чунки, универсиаданинг матбуот марказидан хабар қилишларича, вакилларимиз кураш бўйича учинчи, енгил атлетика бўйича саккизинчи, стол тенниси ва сузиш бўйича тўққизинчи ўринларни эгалладилар. Бундай натижалар вилоятимизнинг кўп минг сонли спорт мухлисларини қаноатлантирмаслиги аниқ, албатта. Чунки, 16та жамоа иштирок этаётган шундай нуфузли спорт байрамида 8-9-ўринларда бориш пойтахт вилояти вакилларининг имкониятларига мос эмас.

Тўғри, Бухородан қувончли хабарлар ҳам келиб турибди. Масалан, сузиш бўйича халқаро спорт устаси, уч карра Осиё чемпиони Саида Искандарова-

нинг 50 ва 100 метр масофаларга чалқанча усулда сузишда барча рақибларини ортда қолдириб, терма жамоамиз жағфармасига бир йўла иккита олтин медал келтирганини универсиада матбуот марказидан маълум қилишди. Шунингдек, Артём Ишченко узунликка сакраш, Евгений Черняев 50 метрга эркин усулда сузишда универсиада голиби бўлдилар. Михаил Даниленко 400 метрга эркин сузиш усулида қумуш, Наталья Канивец найза улоқтиришда бронза медалларини кўлга киритдилар. Миллий кураш бўйича терма жамоамиз учинчи ўринни олгани учун умумий жағфармамизга битта бронза медали қўшилди. Биз бундай хушxabарларнинг кўпроқ бўлишини истардик.

Бугун — универсиада мусобақаларининг сўнгги куни. Умид қиламизки, ушбу спорт байрамининг тантанали ёпилиш маросимида вакилларимиз ўйингоҳда ўзларига муносиб жойни эгаллайдилар.

Самад Йўлдош.



## ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Париждаги "Ролан Гаррос стадиум" теннис кортларида Франция очик чемпионати қизгин давом этмоқда. Аёллар ўртасида кечган биринчи давра беллашувида Ирода Тўлаганова Дания вакиласи Ева Дирбергни 7-6, 6-3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, кейинги босқичга йўлланма олди. Энди ҳамюртимиз австралиялик Кристина Вилерга қарши кортга чиқади.

Эрақлар мусобақасида қатнашаётган Ўзбекистоннинг етакчи ракетка устаси Олег Огородов иккинчи босқичда австриялик Маркус Хипфл билан куч синашди. Теннисчилар ўртасида кечган баҳс ўта мурасасиз бўлди. Дастлабки сетда 6-7 ҳисобида имкониятни бой берган Олег ик-

кинчи сетда рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади, ҳисоб: 6-1. Учинчи сетда омад яна австриялик теннисчи томонида бўлди ва у юртдошимизни 2-6 ҳисобида енгди. Бироқ О. Огородов ўзининг буқилмас иродасини намойиш этиб, кейинги икки сетда 7-5, 9-7 ҳисобида рақибини мағлубиятга учратди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ, (ЎЗА).

## КУЧЛИЛАРГА ЎЗГА МАЙДОН ПИСАНД ЭМАС

Футбол бўйича Тошкент вилояти чемпионати қатнашчилари иккинчи тур учрашувларини ўтказдилар. Олти ўйинда дарвозаларга жами 21та тўп киритилди. Уч учрашувда мезбонлар, учтасида эса, меҳмонлар ғалаба қозондилар.

Турнинг энг йирик ҳисоби Тошкент тумани ўйингоҳида қайд этилди. «Тошкент» жамоаси Фазалкентнинг «Бўстон» футболчиларини 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Пскент туманининг «Ўзбекистон» жамоаси чемпионат иштирокчилари сафига бу йил қўшилган «Зафар» (Бекобод тумани)

футболчиларининг меҳмони бўлиб, мезбонлар дарвозасига 5 та жавобсиз тўп киритди. «Цементчи» жамоасини қабул қилган «Акмал» футболчилари ҳам ўйинни йирик ҳисобда (4:1) ўз фойдаларига ҳал қилдилар.



«Танкчи» (Чирчиқ) — «Кибрай» ҳамда «Оҳангарон» — «Бўкалик» жамоалари учрашувида бир хил ҳисобда (0:1) меҳмонларнинг кўли баланд келди. «Шоликор» ўз майдонида «Металлург»га қарши тўп суриб, уч очко эгаси бўлди.

Навбатдаги учинчи тур учрашувлари бугун ўтказилади.

# «АЖОЙИБ ФУТБОЛ СПЕКТАКЛИ» БОШЛАНДИ


Кеча ниҳоят, футбол бўйича жаҳон чемпионати баҳслари бошланди. Ниҳоят дейишимизга сабаб, бутун жаҳон футбол аҳлининг нигоҳи Жанубий Корея ва Япония томонларга қаратилган бир пайтда, баъзи амалдорлар ўзларининг ҳатти-ҳаракатлари билан бошқа мавзу, яъни халқаро футбол уюшмаси — ФИФА президентлигига сайловни биринчи даражага чиқариб қўйдилар.

Президентлик курсисини таллаш шундай йилнинг бошидан оқ авжга чиққанди. 1998 йилдаги сайловда мағлуб бўлган шахс, Европа футбол уюшмаси президенти Леннарт Юханссон бошчилигида уюштирилган ҳаракатлар ўз самарасини бериб, шов-шувга сабаб бўлди, бироқ энг катта сабаб — ФИФА ичидан емирила бошланган эди. Швейцариялик ҳозирги президент Йозеф Блаттерга қарши бўлганлар сони кундан-кунга ортиб борди, қарши гуруҳнинг тепасида Блаттернинг ҳамюрти ва маслакдоши, ФИФА Бош котиби Мишел Зен-Руффинернинг пайдо бўлиши эса оловга мой сепган билан баробар бўлди. Айнан унинг ички текширувларидан сўнг Блаттерга 1998 йилдаги сайловда баъзи овозларни «сотиб олгани», хизмат лавозимини суистеъмол қилгани, порахўрлик ва ўзига жуда катта миқдордаги маош белгилаганлиги сингари айблар қўйилди. Иш шу даражага бориб етдики, ФИФАнинг етти президентидан бештаси Блаттер истеъфога чиқишини талаб қилди.

Блаттернинг елғиз умиди конгрессдан эди. Айнан конгресс сайловда Блаттернинг ягона рақибни, Африка футбол конфедерацияси президенти Исса Хайяту голиб чиқадими ёки ҳозирги президентнинг ваколати яна тўрт йилга чўзиладими, кўрсатиб бериши керак эди.

29 май кунги Сеул шахрида ФИФАнинг навбатдаги конгресси бўлиб ўтди. Унда ФИ-

ФАга аъзо бўлган 202 мамлакатдан 195 вакил қатнашди. Шунча шов-шув бўлишига қарамай, сайлов қатнашчиларининг жуда кўпчилиги, аниқроғи 139 киши Йозеф Блаттер яна тўрт йил президент бўлишини ёқлаб



## ФРАНЦИЯ – СЕНЕГАЛ 0:1

Газета саҳифаланаётганда жаҳон чемпионатининг илк учрашуви яқунланди. Тўп юмалоқ, майдон кенг, футбол тасодифларга тўла деганлари яна бир бор рост чиқди. Африканинг амалда ҳеч ким менсимган Сенегал терма жамоаси жаҳон чемпиони францияликлар устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Эҳтимол, футбол тарихида биринчи бор жаҳон чемпиони бўлган жамоа чемпионатни мағлубият билан бошлагандир. Балки, францияликларга ҳақиқатан ҳам Зинедин Зидан етишмагандир. Нима бўлганда ҳам, 17 чемпионатнинг биринчи шов-шувли воқеаси рўй берди. Лекин, ҳаммаси ҳали олдинда шекилли...



чикди. Хайяту бор-йўғи 56 овоз тўплай олди ҳолос. Агар овоз беришга худудий жиҳатдан қаралса, Блаттерни Шимолий ва Жанубий Америка, Шимолий Африка ва Осиё вакиллари кўллаб-қувватладилар. Хайяту тарафдорлари эса Европа, Марказий ва Жанубий Африка томонларга тўғри келди.

Конгресс якунида Блаттер барча гина-қудуратларга чек қўйилик, «барчангизни ажойиб футбол спектаклига таклиф этаман» деб хитоб қилди.

Спектакл деб у жаҳон чемпионати баҳсларини назарда тутганини барча тушунади. Лекин бу сайлов ФИФА амалдорларига сабоқ бўлиши керак. Жаҳон чемпионати ҳар тўрт йилда ўтказилишини инобатда олсак, сайлов ана шу чемпионатлар оралиғида ўтиши лозимлиги яна бир бор аён бўлади. Жаҳон чемпионатида икки кун қолганда сайловнинг ўтказилиши эса, охир оқибатда майдондаги баҳсларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

Курси таллашиб бўлинди, энди мазза қилиб катта футболдан баҳра оламан деган миллионлаб мухлисларни бошқа «таллашлар» кутиб турган экан. Гап футболчи ва мураббий муносабати ҳақида кетаяпти. Бутун Бразилия аҳли, ҳатто мамлакат президенти талаб қилишига қарамасдан бош мураббий Луис Сколари иқтидорли ҳужумчи Ромариони жаҳон чемпионатига олиб кетмади. Мураббийнинг фикрича, «ўжар» ҳужумчининг таркибга киритилиши терма жамоадаги муҳит-

нинг ҳатти-ҳаракатлари эса, кўпчиликни лол қолдирди. Бир вақтнинг ўзида «Спартак»да ҳам бош мураббий бўлиб ишлайдиган Романцев иқтидорли дарвозабон Сергей Овчинниковни матбуотда ... «Спартак»ни танқид қилгани, қанот ярим ҳимоячиси Ролан Гусевни эса, ўз вақтида ... «Спартак»ка ўтмагани учун терма жамоага жалб қилмади.

Албатта, якуний натижа учун биринчи навбатда бош мураббий жавоб беради. Шу жиҳатдан қаралганда юқоридаги терма жамоалар жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашсалар хўп-хўп, борди-ю, бунинг акси бўлса, қайси айблари биринчи ўринга чиқишини англаш қийин эмас.

Энг қизиғи, мураббий-ўйинчи муносабати ўйинлар ўтказиладиган жойга етиб келинган, ҳам давом этаётти. Иордания терма жамоаси сардори Рой Кин мураббий Мил Макарти билан тортишиб қолиб, чемпионатга боришдан бош тортиди. Бу можарога, ҳатто, мамлакат бош вазири Бerti Аэрна аралашшига қарамай, Кин Узоқ Шарққа қайтиб бормаслигини таъкидламоқда.

Кеча жаҳон чемпионатининг илк учрашувида, Франция-Сенегал терма жамоалари ўйинида францияликлар етакчиси Зинедин Зидан майдонга тушмади. Йўқ, у мураббий билан тортишиб қолгани учун эмас, машгулотларнинг биринчи жароҳат олгани учун ўйнамади. Ҳар ҳолда шундай маълумот тарқатилди. Майдонга тушмайдикин кейинги ўйинчи ким бўларкин?

Нима бўлганда ҳам XXI асрнинг илк жаҳон чемпионати бошланди. Буёғига, ФИФА президентининг ибораси билан айтганда, ажойиб футбол спектаклига марҳамат!

га салбий таъсир кўрсатиши мумкин экан.

Бутун Италия аҳли сўрашига қарамай, бош мураббий Жованни Трепаттони халқ қаҳрамони Роберто Баджони терма жамоа сафига киритмади. Мураббийнинг фикрича, жаҳон чемпионатида жисмонан юз фоиз соғлом ўйинчилар иштирок этиши керак. Баджо эса, яқинда оёғини операция қилдирган.

Россия терма жамоасининг бош мураббийи Олег Романцев-

# Xalq va dunyo

Mamlakatlar  
Odamlar  
Voqealar  
G'aroyibotlar

Eng  
so'nggi  
xabarlar

## ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

**Илгари иқтисодий шўролар давлати томонидан бошқарилган Куба ўн йилдан буён деярли бутун дунёдан ажралган ҳолда ҳаёт кечирмоқда.**

Бироқ вақт ўтгани сайин Куба ҳукумати ҳозирги шароитда ҳеч бир мамлакат ёлғиз яшай олмаслиги, хоҳласа-хоҳламаса, кўни-кўшнилари билан ҳамкорлик қилишга мажбур бўлишини тушуниб етаётган кўринади. Бунга шу ой ўрталарида АҚШнинг собиқ президенти Жимми Картернинг Кубага боргани ва у ердаги аҳвол билан беvosита танишгани яққол мисол бўла олади. Ваҳоланки, илгари америкалик расмий шахсларнинг Кубага оёқ босишини тасаввур ҳам қилиб бўлмасди.

Куба иқтисодийотида АҚШ ишбилармонларининг ҳиссаси катта бўлмаса-да, Лотин Америкаси, Европа мамлакатлари ҳамда канадалик бизнесменларнинг киритаётган сармояси йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида Кубада жиддий иқтисодий ислохотлар учун шарт-шароит яратилаётганидан далолатдир.

"Озодлик ороли" яқин ўртада том маънода озод бўлишига мамлакатда кечаётган сиёсий ўзгаришлар ҳам умид уйғотмоқда. Яқинда кубаликларнинг бир гуруҳи мамлакатда сўз эркинлигини тиклаш, сиёсий маҳбусларни озод қилиш борасида референдум ўтказиш таклифи билан чиқди. Тўғри, ҳозирча ҳукуматнинг бу масалага муносабати эъдон қилинган йўқ, бироқ бу таклифни илгари сурганларга нисбатан қувғинлар уюштирилмагани ва уларнинг таклифи жамоатчилик эътиборига ҳавола этилганининг ўзини ҳам катта ютуқ, деб баҳолаша бўлади.

## УРУШ ХАВФИ

**Шу кунларда халқаро ҳамжамиятнинг нигоҳи Жанубий Осиё, аниқроғи, Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги ҳарбий кескинликка қаратилган.**

АҚШ мудофаа вазирлиги мутахассисларининг таъкидлашича, икки мамлакат ўртасида ядровий уруш бошланса, биринчи зарбдан кейинроқ 12 миллионга яқин одам қурбон бўлади. Етти миллионга яқин киши жароҳат олади ёки нурланади.

Ўтган шанба кун Покистон янги қитъаларо ракетани синовдан ўтказгани уруш эҳтимолини янада кучайтирган эди. Кунги кеча Покистон яна бир яқин масофага парвоз қиладиган "Хатф-2" ракетасини синовдан ўтказди. "Ер-ер" русумидаги ушбу ракета жанговар каллак билан 180 километргача парвоз қилиши мумкин.

Уруш хавфи кучайган сари кўп давлатлар минтақадаги ўз фуқароларининг хавфсизлигидан ташвиш билдира бошлади. Кунги кеча Германия ҳукумати Исломободдаги ўз элчихонаси ходимларининг оила аъзоларини ватанга қайтаришга қарор қилди. Бундан аввал Буюк Британия, АҚШ ва Франция ҳам шундай қилган эди.

## ФАВКУЛОДАДА ҲОЛАТ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

**Непал қироли Гяендра мамлакатда ўтган йилнинг ноябрь ойида эълон қилинган фавкулодда ҳолат муддатини яна уч ойга узайтирди.**

Ҳукумат шу йўл билан 2001 йилда муҳолифатдаги маочилар исёнини бостирмоқчи эди. Мамлакатда барқарорлик мустаҳкамланаётган бир пайтда, ҳукумат кўшинлари билан исёнчилар ўртасидаги қуроли тўқнашувлар яна авж олди. Шу ҳафта ҳукумат аскарлари томонидан бир юз олти нафар исёнчи йўқ қилинди.

Фавкулодда ҳолат муддати узайтирилгани туфайли бу вақт мобайнида ҳукумат кўшинларини маочиларга қарши сафарбар қилиш имкони пайдо бўлади. Расмий хабарларга кўра, деярли саккиз юз нафар исёнчи қиролик ҳудудида турли террорчилик ҳаракатларини амалга оширишни режалаштирмоқда.

## Шарҳловчи минбари

# АФҒОНИСТОН: ВАКОЛАТ ТУРКИЯГА ЎТДИ

**Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаётган халқаро кучларга қўмондонлик қилиш навбати Туркияга ўтди. Шу вақтгача мазкур миссияни Буюк Британия бажараётган эди.**

Куни кеча Туркия қуроли кучларининг 65 кишидан иборат дастлабки гуруҳи Кобула етиб келди. Улар сафида алоқачилар, таъминот билан шуғулланадиган мутахассислар бор. Мазкур гуруҳнинг вазифаси Афғонистонга жўнатилаётган Туркия ҳарбийлари учун керакли шарт-шароит ҳозирлашдир.

Афғонистондаги халқаро кучларга қўмондонлик қилиш Буюк Британиядан Туркияга июнь ойида ўтиши мўлжалланган. Бироқ 10 июнда ўтказилиши кутилаётган Лойя жирга хавфсизлигини инглиз аскарлари таъминлайди. Лойя жирга Афғонистоннинг янги тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсий тадбирдир. Чунки, унда иштирокчилар мамлакатнинг янги муваққат ҳукуматини сайлайди.


Халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистонга ўрнашиб олган "Ал-Қоида" террорчи гуруҳларини тугатиш учун бошланган уруш мамлакатда толиблар ҳукронлигининг ҳам барҳам топишига олиб кел-

ди. Бу мамлакатни тинч ҳаётга қайтариш, оқилона бошқариш, аҳолини яратувчиликка жалб қилиш учун сиёсий органлар ташкил этиш заруратини келтириб чиқарди. Бундай шароитда Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш вазифасини халқаро кучлар ўз зиммасига олди. Халқаро кучларга қўмондонлик қилиш ваколати Буюк Британияга берилди. Олти ой ўтиб, энди мазкур миссияни Туркия томони бажаришга киришади.

Эндигина урушдан халос бўлган афғон заминиди хавфсизликни таъминлашда халқаро кучларнинг хизмати беқиёс, десак муболаға бўлмайди. Зеро, уларнинг саъй-ҳаракати билан ҳозир Кобул шаҳри "хотиржамлик ороли"га айланган. Таассуфки, мамлакатнинг чекка вилоятларида ҳарбий тўдалар ўртасида қуроли тўқнашувлар ҳамон давом этмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, халқаро кучларнинг хавфсизликни таъминлаш борасидаги таъсир доираси бутун Афғонистон ҳудудига тарқалмаган. Тўғри, муваққат ҳукумат раҳбари Хомид Карзай халқаро тинчликни сақлаш кучлари мамлакатнинг ҳамма ерида фаолият кўрсатиши лозим, дейди. Бироқ, улар муваққат ҳукумат раҳбарининг ушбу таклифига рози эмас. Халқаро ҳамжамият бундай масъулиятли вазифани Афғонистоннинг янги миллий армияси ўз зиммасига олиши керак, демоқда. Афғонистон миллий армияси эса АҚШ ва Франция ёрдами билан энди-энди шаклланоқда.

Саидмурод РАҲИМОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.



Германия.

## КАЛ БОШ — ОҚ СОЧ ЭРКАКЛАР ШҶРИ ЭКАН

Оқ сочли ва кал бош америкаликлар маълумот ва малакаси ўзлариники каби, аммо сочи оқармаган ва тўқилмаган тенгдошларига нисбатан иш ҳақини 10 фоиз кам олишаркан. Шу сабабли ҳам сўнгги ўн йил ичида мамлакатда эркаклар учун мўлжалланган соч бўёқлари сотиш кўлами уч барабар кўпайди. Соч тўқилишининг олдини олишга ёрдам берадиган доридармонларга талаб ҳам янада кўпаймоқда. Америкаликлар ҳар йили уларни харид қилиш учун миллиард доллар сарфламоқдалар. Айни вақтда жаррохлик йўли билан терини тортириш урф бўлаяпти. Ҳозирги вақтда АҚШ эркаклари ўзларининг ташқи қиёфаларини яхшилашга ҳар йили 3,5 миллиард доллар сарфлар эканлар.



## МУҚОВАСИ КУМУШДАН

Будапештлик матбаачи Ю. Янка митти китобларга жуда ишқибоз. Унинг кутубхонасида юздан ортиқ шундай нашрлар бор. Улар орасида бир вақтлар Прагада нашр этилган митти Куръон бўлиб, унинг муқоваси кумушдан тайёрланган, ҳажми эса бор-йўғи 2,6-3,8 сантиметрдан иборат. Митти китобчаларнинг энг кичкинаси бўйи ва эни 5 миллиметр, уни битта почта маркасига бемалол ўраш мумкин. Англияда нашр этилган бўйи 1,6 ва эни 1,4 сантиметр китобчада 1200 та саҳифа бор. Улар орасида энг эскиси 1637 йилда нашр этилган латинча диний китобдир. Уларнинг муқовалари чарм, ипак ёки сурпдан ишланган.

Мазкур кутубхонада Шекспир, Гёте, Шиллер, Диккенс, Гейне, Стендал ва бошқа ёзувчиларнинг китоблари ҳам ўрин олган.

## ЯККАХОН ОРКЕСТР

Испан Эуженио Солер қисмлари ҳаракат қиладиган уч гилдиракли велосипед ихтиро қилди. Барселоналик бу чолғучи шу мослама ёрдамида бир йўла 50та турли хил мусиқа анжомларида куй чалади. У ўз имкониятлари намойишини халқаро мусиқа кунига бағишлади.

## ЙИГИРМА АСРЛИК КЎПРИК

Италиянинг Римки шаҳри ёнидан оқиб ўтадиган Мароккиа дарёсига қурилган Тиберия кўприги ўзининг мустаҳкамлиги, ҳашаматлилиги билан кишиларни хайратга солиб келмоқда.

Узунлиги 63 метрлик бу кўприк биринчи асрнинг бошларида барпо этилган. Уша давр усталарининг юксак маҳоратини ўзида мужассамлаштирган бу иншоот ўз умри давомида не-не воқеаларнинг гувоҳи бўлди. Дашатли сув тошқинлари, беаёв довуллар, zilzilalar, иккинчи жаҳон урушининг офатлари унга шикаст етказмади.

Тиберия кўприги алоҳида усул, яъни қадим шарқда иморатлар қурилишида кенг қўлланилган арк услубида тикланган. Унинг ҳамон мустаҳкам туришининг сирини ҳам эҳтимол шундадир.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

# МЕТОДИК ТАЪЛИМ — АМАЛДА

Пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида Халқ таълими вазирлиги ЮНЕСКО ва ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда ташкил этган узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш истиқболларига бағишланган ўқув семинари бошланди.

У Кадрлар тайёрлаш мил- босқич вазибаларини амали- лий дастурининг иккинчи ётга татбиқ эта бориб, ўтган

ўқув йили давомида узлуксиз методик хизмат кўрсатишнинг янги тизимини жорий этишда орттирилган тажрибалар, эришилган ютуқлар, юзага келган муаммолар ва уларнинг ечимини муҳокама қилиш мақсадида ўтказилмоқда.

Хулқар СОДИҚОВА, ЎЗА мухбири.

## Bolalik bog'i

### KIŞIKINTOY TILIDAN

- Oyi, Feruzaning ayasi qizini nega shirinim, deydi?
- Feruzaning tili shirinda.
- Meniki-chi, oyijon?
- Sen shirinlik yeb, ustidan ko'p choy ichasan, shunga...
- Unda choy ichmay, tilimni murabholi idishga solib tursam, shirin qiz bo'lamanmi?
- Albatta-da, juda shirin bo'lasan, bolam.



# «Баҳор»да баҳор таровати

Тошкентдаги "Баҳор" концерт залида Мукаррама Турғунбоева номидаги "Ўзбекрақс" миллий рақс бирлашмасида ташкил этилган халқ чолғулари оркестрининг "Баҳор таровати" ҳисобот концерти бўлиб ўтди.

Концерт дастуридан ўрин олган кўшиқлар томошабинларда катта таассурот уйғотди. Тадбирда мумтоз куйлар, бастакорларимизнинг мустақиллик йилларида яратган мусиқий асарлари билан бирга жаҳоннинг йирик композиторлари асарлари ҳам ижро этилди.

Миллий мусиқа санъатимизни янада ривожлантириш ҳамда хорижда кенг тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган ушбу мусиқий жамоага таниқли бастакор,

Ўзбекистон санъат арбоби Мустафо Бафоев бадий раҳбарлик ва дирижёрлик қилмоқда.

Қирқ нафардан зиёд иқтидорли созанда фаолият кўрсатётган ушбу оркестр репертуридан миллий мумтоз куйлар билан бирга ўзбек ва хорижий бастакорларнинг асарлари ҳам ўрин олган. Ташкил этилганига кўп бўлмаса-да, оркестр 2001 йили пойтахтимизда ўтказилган Халқаро миллий чолғу ансамбл ва ор-



кестрлар фестивалида муваффақиятли иштирок этди. Ҳозир оркестр янги мусиқий дастур тайёрламоқда. Яқин кунларда унинг хорижий давлатларга

ижодий сафари бошланади. Назоқат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири. СУРАТДА: тадбирдан лавҳа. Юрия РУТКА олган сурат.

## Бекажон

### ПИШИРИҚ ТУРИ

#### ИНГЛИЗЧА ПЕЧЕНЬЕ



Идишга 125 г. сариёғни майдалаб бир чимдим ванилин, 0,5 дона лимон шар-

бати, 2 дона тухум сариғи солиб кўпиртирилиб, 200 г. ун билан хамир қилинади. 1-2 соатга музлатгичга қўйилгандан сўнг тайёр хамирни 0,5 см. қалинликда ёйиб, турли шаклдаги печеньеелар қирқилади ва ёғ суртилган духовка патнисига териб, устига бир ош қошиқ қаймоқ ва бир дона тухум сариғи аралашмаси суртилади ҳамда 12-15 дақиқа давомида пиширилади.

Наргиза ҚУРБОНОВА, қандолатчи.

«Қишлоқ қурилиши» очиқ акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналар, акциядорлар дўққати! 2002 йил 11 июнь куни соат 10.00да акциядорлар йиғилиши ўтказилади. Йиғилиш Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани Сойлик қишлоғидаги «Сойлик» болаларни соғломлаштириш оромгоҳида ўтказилади.

Кузатув кенгаши.

Олмалиқ шаҳридаги 19-мактаб томонидан Жамшид Раҳимбоевич Ҳайдаров номига берилган О'РА-904280 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти ҳокими ижроия маҳкамасининг матбуот бошқармаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитаси раиси Р.Шоғуломовга опаси **МИНАВАРНИСО ШОМУРОДОВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Зангиота туманидаги «Нур» акциядорлик жамияти жамоаси Қибрай туманидаги Шароф Рашидов номи паррандачилик бирлашмасининг Бош директори **РУСТАМ ҚОБУЛОВИЧ ОРИФЖОНОВНИНГ** бевақт вафот этганлиги туфайли унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Кўшим Асом гадаг хуноб: ахвол шу зайлда кетаверса, мактаб писта пўчоғига кўмилиб, қишлоқ клуби қушхонага айланармиш. «Қаёққа қараманг тадбиркорлик, — дейди. — Ана, Шакар сатанг мактабга қираверишда тапга пачоқ пақир кўйиб олиб ўтирипти, олдида бир тўрва писта, бир тўрва ерөнгоқ. Мактаб директори Соли башанг финг дремайди. Ўтайтиб, кузатиб турдим: шоша-пиша идорадан чиқиб, машинаси томон пилдираб боратуриб, кўйишк боши сатанг томон ўтирилди-ю, йўлини бурди. Пириллаб ёнига борди. Шакар сатанг ҳам анойимас. Стаконини тўрвадаги пистага даст ботириб, чаққонгина башанг кўлига тутди. Шу десанг, Соли башанг стақонини шими чўнтағига ағдариб, машинаси томон пилдираб кетди... Билдимки, Башанг ҳам тадбирли йигитлардан».

Энди бу бир омади гап-да. Ҳаққа кўчсак, нима, тадбиркорлик айбми? Ақлинг етса, калланг қовоқ бўлмаса, ишлат-да, қандингни ур. Юрма-да, гаддай-и-и-б. Ана, Дилором Мадазова ҳам юрибди-ку, гулдай очилиб. Хаш-паш дегунча ўзини ўнглаб ҳам олди. Ой янги бўлмади ўгарди қолди. Юриш-туришида — солланиш, юз-кўзида — холланиш, ейиш-ичишида — ўнгланиш. Қадам ташлайди босайми-босмайми, деб. Илгары назарга илмайдиганлар энди уни кўришса, кўл қурмагур кўксиларига бориб қолганини пайқашмайди.

Гаплар шунақа. Лекин асли нима бўлди? Дилоромни тушмагур бирор амалга миндимки? Йўқ, ўғли Ҳажга обориб келдимки? Йўқ. Бирон ёмби-сомби топиб олдимки? Йўқ! Йўқ!

Худо берган ақлини ишлатди. Назоқат Муборақова дегани чаққону зийрак, айёру олғур — қиққаси, калласи қовоқ бўлмаган зотларга ҳомийлик қилаётганлиги қулоғига чалинипти-ю, бу ҳам хузурига пилдирапти. Ялинипти-ёлворитти, хуллас, ниятига етипти: тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун оқ фотиҳа олипти.

— Ҳа, дугонажон, — депти Муборақова фотиҳага очилган кўлини бетиға сийпалаганча чўкка тушиб ўтирган Мадазова-

# АСОМ ҒАДАНГ НИМА ДЕЙДИ?

гизда жарақ-жарақ беш юзталик мингталиклар ўйнаб қолади. Оллоҳ ҳар ишга қодир, дугонажон.

— Аммо, берарингизга тўларим нақд эмас-да...

— Қўйинг-е! Шу ҳам гапми? Нима, сиз Эухро юлдузидаю мен Камар юлдузидамик?! Ангрен кичик бир шаҳар. Маҳалла-қўйимиз, кўни-кўшничилик. Бир-бирига мадад бериш, бир-бирини қўллаш — ҳар бир банданинг бурчи.

Хуллас, шу кунни Мадазова ҳомийси хузуридан мушкуллари осон бўлиб чиқди. 22 литр спирт, 135 дона қорқоқ, шунга яраша этикеткаю акциз маркасини олиб қайтди. Ҳақини бошланётган тадбиркорлик тушумидан бериб-олишга келишишди.

Ўша аснодан бошлабоқ Ангрен шаҳрининг 6-4 даҳасидаги 5-уйнинг 49-хонадони мўъжаз ароқ қўйиш цехи-ю улгуржи савдо базасига айланди. Мадазова бундоқ чамалаб кўрса, аллақанча фойда кўради. Елиб-югуриб шимша қидиришган, уларни чала-қулпа ювишган, спирт-

ни кран суви билан аралаштириб куйган... Барча «технологик» жараёнлар қорқоқланган шимшаларга этикеткаю акциз маркаларини ёпиштириш билан тугарди.

Харидор ҳам оёқ остидан чиқди. Сувоналиев деган бошқа бир хонаки тадбиркор 92 шиша кўлбола ароқни 59400 сўмга оладиган, чиллаки тадбиркор Мадазова сотадиган бўлди. Аввалига Сувоналиевни шимшаларнинг турли-туманлиги бироз ҳурқитгани рост. Лекин кўлга тушадиган мўмай фой-

## Фельетон

да кўзбойлоғичга айланиб, ақлу хушмини учирганди. Энди хушлашмоқчи бўлиб туришганида эшикда апир-тапир бошланиб қолди. Икки-уч киши хонадон эшигидан кетма-кет кириб келишаётганлигини кўришди-ю ўғринчи... тадбиркорлар шалвираб ўтириб қолишди. Уларнинг хуши учганича бор экан, келганлар прокуратурадан, солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасиданми, дейишди. Бўёғи суриштириш, текшир-текшир бошланди. Козим Сувоналиев олиб кетмоқчи бўлиб жойлаб қўйган 92 шишадан ташқари Мадазова сотишга тайёрлаб қўйган бошқа 135 шиша кўлбола ароқ ҳам кетди сув бўлиб.

Энди Тўйтепадан чиққан... тад-

биркор йигитлар ҳангомасини эшитинг. Икки ёрти бир бутун бўлиб, ўз ишбилармонликлари хузурини кўришга отланишпти. Башанг кийиниб, оқ «Волга»га ўтириб, «хизмат»га жўнашпти. Тасаввур қилинг, мактабга қираверишда Шакар сатангнинг бозори чаққон. Танаффусга чиққан болалар тигирчилаб, стақанлардаги пистани чўнтақларига ағдарияпти. Сатанг бўлса бот-бот ёқасига кўл суқиб, улар узатишаётган элликтилик-юзталикларни жойлаяпти. Шу пайт дарвоза ёнига оқ «Волга» келиб тўхтади. Икки томондаги эшикларни очилиб, чарм папкаларини лапанлатиб икки йигит машинадан тушди. Уларга кўз қири тушдию Шакар кампирнинг чап кўкрагида нимадир симирлаб кетди.

— Менинг исмим Равшан, бу (йигит ёнидаги дўстига ишора қилди) — Тохир. Солиққа оид жиноятларга қарши кураш бошқармасиданми. Қани, момой, патентни олинг-чи!

— Нима дединг, болам, ман сатинмас, писта сотаман. Ол, ана... — Шакар кампир патентни биладимиз, — кулади Асом гадаг. — Аммо лекин йигитлар ҳам тадбирли экан. Кампирни кийин-қистовга олиб ўтиришмади. Чўталини ундиримдию машиналарини гувиллатиб жўнашди. Гаплар шунақа, — дейди Ғаданг носини четга туфлаб. — Бугун ҳамма тадбиркор. Аммо лекин кўйдим-кўйдим, бир нарсадан кўйдим: тўғрисида ўғринчисини кўп. Ана, ҳалиги йигитлар ҳам ўғринчи ишбилармонлар. Айтинг-чи, улар чиндан прокуратурадан бўлса, нега Хатамфирманнинг дўқонига киришмади? Нега Акбар қассобга дуғоб боришмади? Энди билсанг, ука, бу дунёда қочган ҳам, қувган ҳам Худо дейди. Гаплар шунақа...

Жўрабек МУРОДОВ.

**ТАХРИРИЯТДАН:** кейинги пайтда ўзини солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасидан деб, тадбиркорлик билан шуғулланаётган кишиларни текширувчи идоранинг сохта «ходим»лари пайдо бўлиб қолди. Шундай ҳолатларда 173-00-59 ва 173-00-53 рақамли ишонч телефонларига дарҳол кўнгироқ қилиб, бундай ҳуқуқбузарликлар, ноқонуний аралашувлар, ўринсиз текширишлар бўйича мурожаат қилишингиз мумкин.

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
ТАШКЕНТ ШАҲРИДА

**Муассис**  
**ТОШКЕНТ**  
**ВИЛОЯТИ**  
**ҲОКИМЛИГИ**

**Бош муҳаррир**  
**Фатҳиддин**  
**МУҲИДДИНОВ**

**Телефонлар:**  
Хатлар ва оммавий  
ишлар бўлими: 133-40-48.  
Эълолар:  
133-40-48, 136-57-27.

**Манзилими:**  
700000, Тошкент  
шаҳри, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
матбуот қўмитасида 8 рақами  
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»  
тахририяти компьютер  
марказида терилди ва  
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирув-  
лардаги факт ҳамда да-  
лилларнинг тўғрилиги учун  
реклама ва эълон берув-  
чилар масъулдир.